

## Муҳаббатнинг ҳақиқати нимадан иборат?



11:00 / 19.09.2021 2786

نِإف ،أَصْرَعُهُنْمُ بُلْطِيْ وَأَصْوَعُ وَبُؤْحَمُ نَمُ وَخَرِيْ دِلَّأُ بِحُمْلِ سَيِّلِ  
هُلْ لُدْبَتِ نَمُ بِحُمْلِ سَيِّلِ ،كَلْ لُدْبِيْ نَمُ بِحُمْلِ

**Маҳбубидан эваз умид қилган ёки ундан ғараз талаб қилган муҳаббатли эмас. Албатта, муҳаббатли сенга кўп нарса берадиган кимсадир, сен унга кўп нарса берадиган кимса эмас.**

Ибн Атоуллоҳ Сакандарий раҳматуллоҳи алайҳ ушбу ҳикматда муҳаббат ҳақидаги маълумотларни қуйидагича ифода этади.

Бу дунёдаги муҳаббатларнинг кўпчилиги ҳақиқий эмасдир. «Муҳаббат» сўзини мазкур ҳақиқий бўлмаган муҳаббатларга нисбатан ишлатиш барчага одат бўлиб қолган. Аслида мазкур муҳаббатни даъво қилаётганлар бошқанинг эмас, ўзининг муҳаббатига мубтало бўлганлардир. Мисол учун, мен бир одамга муҳаббатим борлигини даъво қилсам, нима учун унга муҳаббатим борлигини сўрашганда, «Мени ҳурмат қилгани учун, менга совға бергани учун ёки мени ёмонлардан ҳимоя қилгани учун унга муҳаббат қиламан», десам, маҳбубга эмас, ўзимга муҳаббат қилган бўламан. Чунки бировга ўзимга етадиган эваз ёки фойда учун қилган муҳаббатим ўзимнинг фойдамга ишламоқда.

Аслида «муҳаббат» сўзи қандай маънони ифода қилади? Унинг ҳақиқати нимадан иборат?

Муҳаббатнинг ҳақиқати маҳбубнинг жамоли қалбнинг ҳаббаси – асл нуқтасидан тутиб олишидир. Шунда қалбда маҳбубдан ўзгага ҳеч нарса қолмайди. Бинобарин, қалб учун маҳбубнинг ризосидан ўзга ғараз қолмайди. Ўша нарса у рағбат қилган нарсанинг айна ўзи бўлади. Шунда у ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам унутиб, фақат маҳбубнигина эслайдиган бўлади.

Бас, ким Аллоҳ таоло ҳақида маърифат ҳосил қилганини ва мазкур маърифат уни Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг муҳаббатига элтганини даъво қилса-ю, қалбида У Зот таолодан ўзганинг муҳаббатидан заррача қолса, даъвоси ботил бўлади.

Ушбу ҳақиқатни Ибн Атоуллоҳ Сақандарий раҳматуллоҳи алайҳ куйидаги иборалар билан баён қилмоқда:

«Маҳбубидан эваз умид қилган ёки ундан ғараз талаб қилган муҳаббатли эмас. Албатта, муҳаббатли сенга кўп нарса берадиган кимсадир, сен унга кўп нарса берадиган кимса эмас».

Бу жумладаги «эваз»дан мурод банданинг ўзи адо этган тоатига Аллоҳ таолодан ажру савоб кутишидир. Тасаввуф адабиётида «эваз» ва «ажр» сўзлари бир-бирининг ўрнига ишлатилади.

Ушбу жумладаги «ғараз»дан мурод банданинг ўзи адо этган тоати учун Аллоҳ таоло унга нафси хоҳлаган дунёвий мартабалар, бойлик ва дабдабага сабаб бўладиган мукофотлар беришини талаб қилишдир.

Демак, банданинг ўзи адо этган тоати учун Аллоҳ таолодан ажру савоб кутиши ва Аллоҳ таоло унга иштаҳаси тортган дунёвий мартабалар, бойлик ва дабдабага сабаб бўладиган мукофотлар беришини талаб қилиши унинг Ҳақ субҳанаҳу ва таолога муҳаббати борлигининг аломати эмасдир.

Аллоҳ таоло ҳақида ҳақиқий маърифат ҳосил қилиши оқибатида У Зотга ҳақиқий муҳаббат қилган банда фарз ва вожиб ибодатларни сидқидилдан адо этади, У Зотга қурбат ҳосил қилиш йўлида ҳеч нарсани аямайди, булар учун охиратда ажр ҳам, бу дунёда мукофот ҳам кутмайди. Мазкур тоатларни Ҳақ субҳанаҳу ва таолога бўлган муҳаббатига вафо қилгани учун адо этади.

Аллоҳ таоло барчамизга маҳбубидан эваз умид қилган ёки ундан ғараз талаб қилган муҳаббатли эмаслигини, албатта, муҳаббатли бизга кўп нарса берадиган кимса эканини ва биз унга кўп нарса берадиган кимса эмаслигини англаб етишни ва шунга мувофиқ амал қилишни насиб этсин!

**«Хислатли ҳикматлар шарҳи» китобидан олинди**